

## ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

**Зойиров З.Х.**

Навоий давлат педагогика институти,  
География ва иқтисодий билим асослари  
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди  
**Бекмуродова Д., Баходирова С., Эргашев А.**

Навоий давлат педагогика институти магистрантлари

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада хотин-қизлар бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда унинг муҳим йўналишлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ишсизлик, бандлик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, туризм, туризм салоҳияти, сервис, томорқа хўжалиги.

## THE SIGNIFICANCE AND ROLE OF FAMILY BUSINESS IN ENSURING WOMEN'S EMPLOYMENT

**Zoyirov Z.Kh.**

Navoi State Pedagogical Institute,  
Associate Professor of the Department of  
Geography and Basics of Economic Knowledge,  
Candidate of Economic Sciences

**Bekmurodova D., Bahodirova S., Ergashev A.**

Masters students of Navoi State Pedagogical Institute

**ANNOTATION.** The article examines the effective use of the potential of family business in ensuring women's employment, as well as its important directions.

**Key words:** unemployment, employment, family business, service industry, tourism, tourism potential, service, real estate.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон иқтисодиётида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт таркибида хилма-хил мулкчиликка асосланувчи хўжалик юривчи субъектлар фаолият юритиб келмоқда. Айниқса оиланинг жамоавий мулки негизида ташкил этилган оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти тобора ортиб борапти. Бунда, хотин-қизларни иш билан банд қилишдек долзарб масалани ҳал этишда ушбу фаолият турининг айниқса аҳамияти беқиёс эканлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаотномасида «... , давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.»<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди. Ушбу долзарб вазифани ҳал этишда оилавий тадбиркорликдан фойдаланиш муҳим саналади. Оилавий тадбиркорлик эркин, ихтиёрий, оила аъзоларининг умумий ёки шахсий ташаббусига асосланган иқтисодий фаолиятнинг бир туридир. Бу фаолият тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда қонуни ҳам қабул қилинди. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мақсади фойда (даромад) олишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи-назардан қаралса, оилавий тадбиркорлик бир нечта долзарб масалаларни ҳал этаолади: 1) Иш билан банд этишни; 2) Фойда(даромад) олишни; 3) Камбағалликдан чиқишни. Фикримизни, Навоий вилояти хотин-қизлари мисолида давом эттираемиз. Жумладан, вилоятнинг ишчи-хизматчилари умумий сонига аёлларнинг улуши 2017 йилда 37,3 фоиз, 2018 йилда 36,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, тегишли равишда Андижонда 46,4; 46.6 фоизни, Наманганда 45.5; 46.1 фоизни, Фарғонада 47.5; 48,2 фоизни ташкил этади.<sup>2</sup> Бунга, қишлоқ ҳудудлари нуқтаи назаридан қаралса, аҳволни тушиниш жуда осон. Демокчимиз, меҳнатга лаёқатли ёш хотин-қизлар бўйича асосий ишсизлар қишлоқ жойларида бўлиб, ёш оилалар муаммоларининг кўплиги ва қашшоқлиги ҳам шундан. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида 2020 йилнинг 18 мартда ўтказилган видеоселекторда айтилганидек «Юртимизда

<sup>1</sup> Шавкат .Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаотномаси. 2020 йил 29 декабр.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент -2019

22 мингга яқин хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшамоқда. Улар кам таъминланган, ишсиз, уй-жойга муҳтож ва ногиронлиги бор аёллар бўлиб, ҳар бирининг муаммосига индивидуал ёндашув талаб этилади.»

Муаммонинг ечими назаримизда, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим тури бўлган оилавий тадбиркорликдир. Қонунга кўра оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ва этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ушбу фаолият тури айниқса ёш, меҳнат фаолиятини энди бошлаётган хотин-қизларга жуда қулай ва мос. Чунки ортиқча вақт ва бошқа сарф-харажат қилмасдан уй шароитининг ўзида фойда (даромад) келтирувчи иш билан банд бўлишади. Оилада болалар таълим-тарбияси билан шугулланишга имконият бўлади ва энг муҳими, ёшларда меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам, тежаркорлик каби миллатимизга хос азалий қадриятлар шаклланиб боради. Катта бизнесга йўл ҳам одатда шундан бошланади.

Навоий вилоятининг йирик саноат корхоналари нисбатан анча ривожланган бўлсада, асосан Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби шаҳарларида жойлашган ва деярли ички шахсий истеъмол товарлари бозори учун маҳсулот ишлаб чиқармайди. Кийим-кечак ҳамда уй-рузғор буюмлари бозорини кичик тадбиркорлик субъектлари (якка тадбиркорлар, микрофирмалар, МЧЖлар ва ҳоказолар), озиқ-овқат маҳсулотларини эса асосан оилавий тадбиркорлар-деҳқон хўжаликлари ва томорқа хўжаликлари таъминлаб туради.

Бу масалада Республика вилоятларида бўлгани каби Навоийда ҳам хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик орқали иш билан банд қилишда жуда катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида вилоят бўйича 2019 – йилда жами хизматлар аҳоли жон бошига (минг сўм ҳисобида) ўртача 4904,9 бўлгани ҳолда бу кўрсаткич Қизилтепада 2540,9; Навбахорда 1549,8; Хатирчида 1306,3; Нуротада 1257,6ни ташкил этди<sup>3</sup>холос. Таклифимиз: ҳар бир маҳалланинг географик жойлашуви ва бошқа хусусиятидан келиб чиққан

---

<sup>3</sup> Навоий вилояти статистика бошқармаси Навоий-2020

холда, хонадонларнинг муайян маҳсулот турини ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатишини ҳисобга олиб кластерлар ташкил этиш керак. «Бир маҳалла – бир маҳсулот (хизмат) «тизимини жорий этиш лозим. Айниқса, маҳаллий ва хорижлик туристларнинг эътиборини тортадиган ҳудудларда бу, фикримизча жуда яхши иқтисодий самара беради. Бундай қадамжолар вилоятда анчагина. Нуротадаги «Чашма» мажмуи, «Сентоб» қишлоғи, «Айдаркўл» атрофи овуллари, Хатирчи ҳудудидаги «Олтинсой», «Майдонсой», «Ангидон», «Санги-Жуман» қишлоқлари, Навбахорнинг «Сармишсой» дараси, Карманадаги «Қосим шайх» зиёратгоҳи, Хазара ҳудудидаги «Дехгарон» тарихий ёдгорлиги, Қизилтепаннинг Тошработ ҳудудидаги «Қалаи Азизон» ва «Хўжа Ҳасан Андоқий» каби туристик маршрутлари атрофида замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини барпо этиш лозим.

Республика аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилишида, айниқса хотин-қизлар бандлигини таъминлашда шахсий томорқа хўжаликлари ҳам катта аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, Республика Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон, 2018 йил 27 июндаги «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ – 5466-сон фармонлари, ҳамда 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПК-3777-сон, 2019 йил 7 мартдаги «Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-4231-сон қарорлари билан жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Аммо соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас. Жумладан, аҳолининг ерга, аниқроғи томорқага бўлган муносабати баъзи ойлarda жиддий хавотир ўйғотади.

Масаланинг нақадар долзарблигини Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида

“Камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма - босқич жорий этишимиз кераклигини”<sup>4</sup> таъкидлашларидан ҳам билиш мумкин. Бугун амалиётда водий аҳолисининг томорқа хўжалигидан самарали фойдаланаётгани уй хўжалигини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам: - “аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидан муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш, бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш; - шахсий томорқалардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича замонавий технологиялар ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш”га жиддий эътибор лозимлиги таъкидланади.”<sup>5</sup> Натижада, сўнгги йилларда томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланиш туфайли оилаларнинг қўшимча даромадлари сезиларли кўпайди. Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда помидор, бодринг, кўкатлар, лимон ва бошқа экинлар етиштириш, парранда боқиш ташкил қилиниши натижасида маҳаллий бозорларнинг маҳсулотлар билан тўйиниш даражаси сезиларли ортди. Бугунги кунда, мева - сабзавот, полиз, гўшт, сут ва сут маҳсулотларининг 95- 99 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликлардан бозорга етказиб берилмоқда.

---

<sup>4</sup> Шавкат .Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожатномаси Тошкент-2020

<sup>5</sup> Ҳаракатлар стратегияси . Т; 2017 йил 7 феврал

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, эришилган натижаларга қарамадан томорқа ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда, мазкур тизимда бозор механизмларини жорий этишда қатор муаммолар ва камчиликлар кузатилмоқда, айниқса:

- аҳоли ихтиёридаги қарийб ярим миллион томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш қийин кечмоқда;

- томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тизимли ва мунтазам олиб борилмаяпти ёки мавсумий характерга эга;

- томорқа хўжаликларига турли хил агрокимёвий хизматлар, ветеринария, ирригация ва мелиорация ишлари учун замонавий инфратузилма яратилмаган. "Томорқа хизмати" МЧЖ тизими фаолияти самарали эмас;

- аҳолининг томорқадан фойдаланиш бўйича замонавий билим ва кўникмалари етишмайди ва ҳоказо.

Фикримизча, томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировардида уларнинг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- томорқа хўжаликларини ихтиёрийлик асосида, йўналишларини ҳисобга олган ҳолда кооперативларга аъзо қилиш орқали соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун ҳуқуқий норматив базани янада такомиллаштириш зарур;

- томорқа ер эгаларининг ердан фойдаланиш бўйича масъулиятини ошириш, парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш айниқса, фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари томонидан назоратни мунтазам олиб бориш лозим;

- Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда томорқа хўжаликлари устидан назоратни олиб борувчи штат бирлигини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади;

- томорқа хўжалиги аҳоли учун муҳим иқтисодий-ижтимоий фаолият тури эканлигини, айниқса қишлоқ аҳолиси орасида кенг ва мунтазам тарғиб қилиш, соҳада замонавий технологияларни кенг жорий этиш самарасини намунали хўжаликлар мисолида намойиш этиб бориш;

- аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттириш;

- томорқа эгаларига “товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нарҳда етказиб берилгандан (хизмат кўрсатилгандан)ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилиши ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ- 4231 – сон қарорини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ҳунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромад манбалари шаклланишига шарт-шароит яратилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожатномаси. Тошкент. 2020йил 24 январ.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожатномаси. Тошкент. 2020йил 29 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Т; 2017 йил 7 феврал. 4947-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент -2019
5. Навоий вилояти статистика бошқармаси . Навоий-2020